

Туркистонда усули жаид мактаблари учун форсча-тожикча рисолалар ёзиш факат Самаркандда бошланадир. 1903нчи йилда Самаркандда янги мактаблар очила бошлаши билан баробар унга мувофик тожикча китобларга эhtiёж сезилди. Бу вақтда мундай китоблар йўқлигидан Тотористонда босилгон баъзи бир форсча рисолаларни олдириб қўлланишга мажбурият қўрилди. Булар эса: «Бадъ ул-маориф», «Сад панди Лукмони хақим», «Насихат ул-хуқамо» ва «Таржимали гўзал насойих» каби нарсалар эди. Зарурлик вақтида баъзи мактаблар «Саводхон» (Алифбо), «Аввал ун-назофа» ва «Бадъ ул-амони» каби тоторча китобларни ҳам вақтинча дарс жадвалига киргиздилар.

Мана шундай эhtiёжларни қўзда тутиб, янги мактаблар учун форсча китоблар ёзиб босдиругвчи Васлий ва ундан кейин Бехбудий бўлди.

Мен мунда ёлғиз форсча алифболарни ёзиб ўтмакчи бўламан.

1. «Баён ул-хуруф»

Бу алифбо Васлий томонидан 1904нчи йилда ёзилиб, китобчи Кори Абдурауфнинг харжи билан тошбосмада факат бир мартаба минг дона босилди. Кирк бет микдорида бўлгон бу рисоланинг 18 саҳифаси алифбо, бошқаси акоид ва амалиёти исломиядан иборатдир. Мунда қўпрак хуруф ва сўзларнинг турли ҳаракатлар билан қандай ўқилиши қўрсатилгандир. Бу асар ҳар жихатдан жуда ноқис ва ярамас бир ҳолда чиққан бўлса-да, китоб қаҳатлиги вақтида баъзи мактабларнинг дардига даво бўлгон эди.

2. «Асбоби савод»

Бу алифбо 1905нчи йилда Бехбудий томонидан тузилиб, 1906нчи йилда ўз масорифи билан тошбосмада икки минг дона босилди. Рисола кирк бетликдир. «Асбоби савод»нинг бош тарафидаги дарс ва хуруф тузилиши Олимжон Борудийнинг «Саводхон» алифбосига ўхшайдур. Бу алифбода бошлаб, хуруфи хижонинг ҳаммаси ёлғиз ҳолида ва сўнгра бирдан уларнинг турли шакллари қўрсатилгандир.

3. «Рахнамои савод»

Мунинг ёзгувчиси Хожи Муин ва ношири муаллим Абдукодир Шакурийдир. 1908нчи йилда тошбосмада факат бир катла икки минг беш юз дона босилди. Юзи 36 сахифаликдир.

Бу алифбонинг бошида харфлар тадрижий суратда кўрсатилиб, сўз ва жумлалар ҳам мад усули (чўзги) билан ёзилгон. Мунда энг аввал форсча харфлар тадрижий йўл билан айри ёзилиб, сўнгра арабча харфлар кўрсатилганлиги учун ўша вақтда усули жаид душманлари: «Жаидлар ўз китобларидан арабча харфларни чиқариб ташлабдурлар», деб халқ орасида иғво таркатгон эдилар.

4. «Рахбари мактаб»

«Рахнамои савод» тартибида чиққан бу алифболарнинг тузгувчи ва босдиргувчиси муаллим Рахматиллазодадир. Бу алифбо 1913нчи йилда тошбосмада икки минг дона босилгон. Мунинг охирида бирмунча энгил манзумалар ҳам бор. Юзи 36 сахифадир.

«Рахбари мактаб» алифбоси ўктабр инкилобигача тузатилиб, уч катла босилиб чиққан.

Ўктабр ўзгаришидан кейин бу кунгача чиққан форсча алифболар:

5. «Бахори дониш»

Бу алифбо Самарканд вилояти маориф идорасининг сипориши билан мусташирик Вияткин томонидан ёзилгон. 1918нчи йилда факат бир мартаба йигирма минг дона босилгон. Юз олтиш тўрт бетдан иборатдир.

Бу ҳам «Ўрток» алифбосидек бузук ёзилгонлиги учун мактабларимиз ундан керагича фойдалана олмадилар.

6. «Соли нахустин»

Мунинг ёзгувчиси Самаркандда Саидризо Ализода бўлиб, ношири Турон маориф комиссарлигидир. Бу алифбо 1920нчи йилда биринчи дафъа беш минг дона босилгон эди. Яна 24-25нчи йилларда икки катла босилди. Учинчи босилишида анчагина тузатидди. Мунинг охирги ношири Абдукаюм Курбийдир.

7. «Мифтох ут-таълим»

1922нчи йилда тошбосмада бир дафъагина беш минг дона босилгон бу алифбонинг тузгувчиси мирзо Мухаммад Самадзода (Собит) бўлиб, ношири Туркистон давлат нашриётидир. 57 бетдан иборат бўлгон бу алифбонинг йигирма бети муаллимлар учун қўлланма бўлса-да, ўзи жуда кийин равишда тузилгандир.

8. «Алифбои забони тожик»

1924нчи йилда бу алифбо Нисор Мухаммад томонидан ёзилиб, Ўрта Осиё давлат нашриётининг харжи билан бир катла тошбосмада беш минг дона босилган. Бош тарафларида бирмунча расмлари ҳам бор. Юзи 48 бетликдир.

Бу алифбонинг таълими болалар нари турсин, катталарга ҳам кийинлик киладир. Тушуниши кийин арабча сўзлари ва коидадан ташкари иборатлари ҳам йўқ эмас.

9. «Алифбои тожик»

Бу расми алифбонинг тузгувчилари Мазхар Бурхон билан Садриддин Киром бўлиб, ношири Тожикистон маориф назоратидир. Ўзи 92 бетлик бўлиб, 1925нчи йилда Масковда беш минг дона босилган. Бу алифбонинг бошларидаги дарслар мад усули (харакати харфия билан) ёзилғонида муваффақиятли чиқиши мумкин эди. Фақат шунга диққат қилинмабдир. Йўкса, аввалги бир неча сабокларида ёлғиз харфлар билан тузилиб кўрсатилган сўзлар жуда муносиб тушкан. Бу алифболардаги расмлардан баъзисининг остида исмлари номувофик ва янглиш ёзилгон (Букаламун, офтаба каби).

10. «Рахбари бесаводон»

Катта кишилар учун Амрико усулида ёзилгон бу расми алифбонинг мураттиблари Рахматуллазода билан Хожи Муин бўлиб, ношири «Саводсизликни битирув фавкулодда комиссияси»дир.

Бу алифбо 25нчи йил охирида биринчи катла йигирма минг дона босидди. Расмлари бир оз кўпол чиккан. Ўзи эскирак хуруф билан босилгон.

11. «Дабистони тожик»

Бу алифбо яқинда Саидризо Ализода томонидан ёзилгон бўлса-да, ўзи хали босилгон эмас.

Булардан бошқа Лохутий томонидан ёзилгон бир алифбо чиккан бўлса ҳам уни кўрмадик.

«Маориф ва ўқитгувчи» журнали, 1926 йил, 7—8-сон